

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 47-ҳадис

47 – وَعَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «يَا أَبَا ذَرٍّ أَرَأَيْتَ أَزَاكَ ضَعِيفًا، وَإِنِّي أُحِبُّ لَكَ مَا أُحِبُّ لِنَفْسِي، لَا تَأْمُرَنَّ عَلَيَّ اثْنَيْنِ وَلَا تَوَلِّينَنَّ مَالَ يَتِيمٍ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Зарр розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам менга:

«Эй Абу Зарр, мен сени заиф, бечораҳол киши деб биламан. Ўз нафсимга нимани яхши кўрсам, сенга ҳам ўша нарса бўлишини яхши кўраман. Сенга насиҳатим шуки, ҳеч ҳам икки киши устидан бошлиқ бўлма. Ва ҳаргиз етимнинг молига мутасадди бўлма», деб айтдилар.

Имом Муслим ривоятлари.

Шарҳ: Киши ўзи яхши кўрган инсонга яхшилик қилиш сифатида уни куч ва имкониятига қараб, тўғри маслаҳат беради, йўллайди. Шунинг учун ушбу ҳадисда Набий с.а.в. Абу Заррга қараб: "Мен сени кучсиз киши деб биламан. Сенга тайинланган ишни бажаришга қурбинг етмайди. Мен ўзим учун яхши кўрган нарсамни сенга ҳам раво кўраман. Шу сабаб бошқаларнинг устидан бошлиқ бўлма, гарчи озчиликка бўлса ҳам. Масъулият ва жавобгарлик омонатини бўйнингга олма, у нарса улкан масъулиятдир, сен бу масъулиятни кўтаришга қодир эмассан. Ва яна етимнинг молига ҳам масъул бўлма! Чунки бунинг ҳам масъулияти машаққатлидир. Мен сенга буни меҳрибонлик қилиб, яқин олиб айтмоқдаман" дедилар.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Пайғамбар алайҳиссаломнинг саҳобаларига нисбатан муҳаббатларининг чексизлиги.
2. Расулуллоҳ с.а.в.нинг саҳобаларнинг руҳиятларидаги заифлик ёки кучлилик ҳолатидан хабардор эканлари.
3. Расулуллоҳ с.а.в.ни яхши кўрган кишиларига баъзи-бир нарсаларни очиқ баён қилишлари.
4. Мусулмонлар ишига мутасадди бўлиш ўта масъулиятли экани.
5. Етимларнинг ишига мутасадди бўлиш ҳам ўта масъулиятли эканлари.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI